АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЛМАС ШЕЪРИЯТ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЛМАС ШЕЪРИЯТ

Махтумқули Фироғий таваллудининг 275 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

82.3 (5 Тур)
Ў 69

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи М.Матмурадова
Муҳаррир О.Қиличбоев
Матн терувчи З.Жалилова

Ўлмас шеърият: Махтумқули Фироғий таваллудининг 275 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-40 б

КБК 82.3 (5 Тур)+ 78.342

Улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 275 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма улкан аллома ва валий шоир ижодини, меросини чуқур ўрганиш, шунингдек, бутун туркий халқлар, жумладан ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган шеъриятини тарғиб ва ташвиқ қилишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда мутахассислар ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

Муқаддима

Махтумқули Фироғий деганда менинг кўз олдимда юзида меҳр жўшиб турган нуроний сиймо намоён бўлади. Асарларини қайта-қайта мутолаа қилганим сайин эса, унинг нақадар олижаноб, бағри кенг меҳрибон инсон бўлганлигига ишонч ҳосил қиламан.

Музаффар Аҳмад

Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, туркман халқининг маънавий тараққиётига беқиёс самарали таъсир кўрсатган, ҳақиқат ва адолатни куйлаган, эстетик завқ ва доноликнинг битмас булоғини яратган валий зотдир. Унинг асарларида камтарлик ва олижанобликнинг, донишмандлик, ватанпарварлик ҳамда дўстликнинг улуғланиши, зулм ва адолатсизлик, разолат, қабиҳлик, икки юзламачилик ва лаганбардорликнинг кескин қораланиши ҳамиша ўз халқи дарди билан яшаб ижод қилганлигининг исботидир. Махтумқули туркман адабиётини жаҳон адабиёти чўққисига кўтарган шоирдир.

Унинг асарлари умумбашарийлиги ва ҳамма даврлар учун ҳозир-жавоблиги билан барчани мафтун этиб келмоқда, шунингдек барча туркий миллатлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Махтумқли асарлари жаҳон тилларига рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

2008 йил май ойида Махтумқули таваллудига 275 йил тўлади. Бу санани барча туркий миллатлар қаторида ўзбек халқи ва адабиёт аҳли нишонлайдилар.

Махтумқули ижодини кенг тарғиб қилиш учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари илмий-амалий конференциялар, адабий-бадиий кечалар, давра

суҳбатлари, унинг асарларининг таржимонлари билан учрашув кечалари ташкил этишлари лозим.

Бундай тадбирларга Республика маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, туркман миллий маданий маркази ходимларини ҳамда филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, журналистлар, файласуфлар, диншунослар, санъаткорлар, таржимонларни ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш мумкин.

Махтумқулининг ҳаёти ва фаолияти
(1733-1791)

Туркман мумтоз шеъриятининг асосчиси Махтумқули Фироғийнинг номи абадий шуҳрат билан қоплангандир. Унинг ижоди туркман мумтоз адабиётининг тараққиётида бутун бир даврни ташкил қилган юксак чўққи ҳисобланади.

Улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йили Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан қишлоғида таваллуд топган. Махтумқули шеърларидан бирида ўзи ҳақида ёзади:

Билмайин сўрганларга айтинг бу ғариб номимиз
Асли гўркўз, юрти Атрек, оти Махтумқулидир.

Махтумқулининг отаси Давлатмамад ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлиб, Озодий тахаллуси билан кўплаб лирик ғазал ва достонлар ёзган шоир ҳам эди. Озодий “Ваъзи Озод”, “Беҳиштнома”, “Ҳикояти Жобир Ансор”, “Муножаат” каби достонларнинг, бир нечта рубоий ва лирик шеърлар муаллифи. Унинг олти минг мисрадан иборат бўлган дидактик характердаги “Ваъзи Озод” достони Шарқ адабиётида алоҳида ўрин тутади.

Шоирнинг илк устози ўз отаси бўлди. Озодий ўғли Махтумқули дунёқарашининг шаклланишида, шеъриятда вояга етишига улкан ҳисса қўшган мураббий ҳамдир. У ўғлининг таҳсил олиши учун ҳамма имкониятларни яратади, унга устозлик қилиб шеърият чаманига олиб киради. Махтумқули кейинчалик ёзган “Отамнинг ўлими”, “Озодим қани?” шеърларида отасининг номини ҳам падар, ҳам устоз сифатида ҳурмат билан тилга олади.

Оилада хат-саводини чиқарган бўлажак шоир тахминан олти ёшидан овул мактабида – Ниёзсолиҳ мулла қўлида ўқий бошлайди. Ўткир зеҳни ва тиришқоқлиги билан ўқувчилар орасида алоҳида ажралиб турган Махтумқули кейин Қизил оёқ (ҳозирги Чоржўй вилояти, Халач тумани)даги Идрисбобо мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Кейинчалик Бухоронинг Кўкалдош, Хиванинг Шерғозий мадрасаларида таҳсил олган. Бу

ҳақда шоир ўзининг “Гўзал Шерғози” шеърида маълумот беради:

Макон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал “Шерғози”!
Ўтказдим қишингни, наврўз, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал “Шерғози”!

“Гўзал Шерғози” шеъридан маълум бўлишича у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

Комил бўлиб, саранжомлик қилибман,
Машаққат-ла ул падардан қолибман,
Каъбамдан айрилиб, жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

Махтумқули холасининг қизи Менгли билан болаликдан бирга ўйнаб ўсган, икки ёш бир-бирига кўнгил қўйган эди. Лекин отаси ва икки акасининг бевақт ўлими оилани моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйган. Махтумқулининг қалин пулини тўлашга қурби етмаслигини билган Менглининг акалари сингилларининг розилигини ҳам сўрамай, уни узатиб юборадилар.

Махтумқули жўшқин илҳом, нозик туйғу билан ёзилган лирик шеърларини унга бағишлаган. Менглининг номини жуда кўп шеърларида такрор-такрор тилга олади:

Парда тортиб юзларимга,
Пардоз бериб сўзларимга,
Махтумқули кўзларимга –
Ёлғиз Менглихон кўринур.

Маълумотларга кўра давом этиб келаётган қадимий урф-одатга кўра, Махтумқулини катта акасининг бева қолган хотини Оққизга никоҳлаб қўйганлар. У Оққиздан икки ўғил кўради. Ўғилларидан бирининг исми Сарибой, бошқасиники Иброҳим бўлиб, биринчиси 7, иккинчиси 12 ёшида нобуд бўлади. Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо бўлган, оилавий ҳаётдан бахтини тополмаган шоир чуқур қайғу-ҳасрат ичида қолиб, бутун умрини бадиий ижодга бағишлайди.

Шоирнинг қуйидаги мунгли мисралари бундан гувоҳлик бера олади.

Жаҳонгашта девоналар,
Мен каби ҳеч ёнган борми?
Ишқ қурбони – парвоналар,
У оловдан қолган борми?

Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича шоирнинг Фироғий тахаллусини танлаши айни шу жудоликлар билан боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки Махтумқули ўзбек адабиётининг ўтмиш намояндалари асарлари билан яқиндан танишади. Жумладан, Низомий, Фирдавсий, Фузулий, Навоий сингари машҳур шоирлар ижодидан баҳраманд бўлган.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ижодининг Махтумқулига таъсири шундаки, туркман шоирининг ўзбек мадрасаларда таҳсил кўргани ва шу туфайли ўзбек адабиёти, жумладан, унинг энг йирик вакили Навоий ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганганлигидир.

Алишер Навоий ижоди Махтумқули дунёқарашининг шаклланиши, маҳоратининг камолотга эришувида катта роль ўйнаганлиги ҳеч шубҳасиздир. Махтумқули шеърларидан бирида Навоий номини алоҳида ҳурмат ва муҳаббат билан таъкидлаган.

Домангирда юрган устоз Навоий,
“Чор Девон”, “Фарҳод Ширин”, рубоий,
Заҳириддин Бобир мизонаи ойи,
Қошларина бориб мен Мажнун бўлсам.

Шунингдек, Махтумқули Шарқнинг бошқа буюк алломалари, жумладанан, Форобий, Ҳамадоний, Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Ҳоқоний, Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий асарларидан ҳам илҳомланган.

Абу Сеит, Умар Хайём, Ҳамадони,
Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз парвони,
Жалолиддин Румий, Жомий элвони,
Уларнинг жойинда мен ҳам кон бўлсам.

Махтумқули юқорида ўзи тилга олган шоирларга эргашган, уларнинг сафига қўшилишни орзу қилган, бунга бутун ҳаётини бахш этган.

Унинг ватанга садоқат руҳида тарбиялайдиган шеърлари ҳам бир туркум. Шоирнинг “Бизга равона”, “Кетгувчи бўлма”, “Эл яхши”, “Бордир” каби шеърлари маҳорат билан ифодаланган. Шоир ҳар бир халқ, ҳар бир одам учун ўз ватанидан азиз нарса йўқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ўз ватанингда хўрлансанг ҳам, уни тарк этиб кетгувчи бўлма, дейди:

Ёт элларда мусофирлик чеккандан
Урса, сўкса хўрласа-да, эл яхши.

Махтумқулининг ватанпарварлик мавзусидаги бундай шеърлари бизнинг замонамизда ҳам халқимизни ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга фаол хизмат қилиб келмоқда.

Махтумқули шеърларида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини тўғри белгилади. У хотин-қизларнинг оилада, турмушда умуман жамиятдаги ўрни хусусида ўз замонаси учун жуда илғор фикрларни илгари сурди, аёллар қадр-қимматини кўтарди. Агар шоир “Отга ўхшар” номли шеърида:

Хотинсизга ишрат йўқдир,
Хуш кунинг ҳасратга ўхшар,-

деган бўлса, “Бўлмаса” шеърида бу фикрни давом эттириб аҳил, иноқ оилаларни қўллаб-қувватлайди. Оила аҳиллигининг бирдан-бир шарти самимий севги ва ўзаро ҳурмат дейди шоир:

Ҳақ ҳар кимга яхши ёр бермагандир,
Сўзи аччиқ, ичи тўла армондир.
Юз йил яшаб, беш кун умр кўрмагандир,
Ҳар кимнинг муносиб ёри бўлмаса.

Шоир хотин-қизларни эркакларнинг ҳамфикри, унинг кучига куч, қувватига қувват қўшадиган, ҳаётига безак берадиган жонкуяр ҳамроҳ деб билади. Махтумқули аёллардаги одобу икромни, ақлу фаросат ва иффатни соддалик ва мулойимликни, камтаринлик ва олижанобликни улуғлайди:

Гўзал бордир гўзаллардан зиёда,
Унинг хизматида бўлгинг келади,
Одобу-икромли
То ўлгунча бирга бўлгинг келади.

Махтумқули лирикасининг катта қисмини одоб-ахлоқ мавзуидаги дидактив шеърлар ташкил этади.

Оқилона ва одилона панд-насиҳат руҳида ёзилган асарларида шоир инсоний фазилатларни улуғлади, Ватан, жамият ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилди. Халқ дарди билан ёнган, ўртанган Махтумқулининг олтиндан ҳам қадрли панд-насиҳатлари муҳим ижтимоий масалаларни қамраб олганлиги ва ҳамиша халқ дилида турган эзгу тилакларни ифодалаганлиги учун ҳам кишилар ўртасида оммалашиб, мақолларга, қўшиқларга, ҳикматли сўзларга айланган, қалбларга сингиб кетган. Махтумқулининг насиҳатгўйлик руҳида ёзилган шундай асарлари борки, улардаги мазмуннинг теранлиги ва салмоқдорлигини, бадиий баркамоллигини кўриб шоирнинг топқирлиги ва донишмандлигига қойил қоласан, киши. “Айрилма”, “Бўлма”, “Эл яхши”, “Бўлмас”, “Яхши”, “Керакдир”, “Кўринг”, “Суҳбат яхшидир” каби шеърларидаги панд-насиҳат мотивлари қалбларни мафтун этади, кишиларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришга фаол хизмат қилади. Буларда ўзаро ҳурмат, ота-онага ва устозга ҳурмат билан қараш, эл-юрт, Ватаннинг қадрига етиш, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик ғоялари улуғланади. Ақл билан иш кўриш, кишиларнинг дилини оғритмаслик, қўлдан келса бировга яхшилик қилиш, вафо, садоқат каби инсоний фазилатлар бу шеърларнинг мундарижасини ташкил этади.

Ота-онага ҳурмат масаласи Махтумқули шеърларида жуда кўп тилга олинади. Ота-онага чуқур ҳурмат кўрсатадиган, эъзозлайдиган одобли, ахлоқли фарзандларни шоир кўкларга кўтариб мақташ билан бирга, ота-она дилига озор берадиган беоқибат фарзандларни кескин танқид қилади:

Яхши ўғилдан раҳмат ориғи оқар,
Нокас бўлса ўғил бўлди бўлмади.

Махтумқули шеърларида меҳмондўстлик улуғланади, ҳар бир кишининг уйига келган меҳмон хоҳ у юқори мартабали бўлсин, хоҳ оддий бир одам бўлсин, уларга очиқ юз ва ширин сўз бўлишни, кулар юз билан кутиб олишни маслаҳат беради:

Келган ош деб келмас,
Бужмайтмагил юз,
Нонга мухтож эмас,

Сўзга меҳмондир.

Ёки:

Кулиб сўзламасанг келган меҳмонга,
Қўлга таёқ олиб урган яхшидир.

Шоир шеърларида кишиларга қаттиқ сўз айтиб дилини оғритиш, бу, яроқ солган жароҳатдан ҳам оғир эканлигини таъкидлайди:

Агар бўлсанг ипак каби мулойим,
Мулойим сен бўлсанг, қулинг бўлайин.
Қулоғимга берган пандинг олайин,
Кишига қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Махтумқули дўст танлашда унинг юриш-туришига, одобига, эл орасида ўзини тутишига қараш кераклигини уқтиради. Хулқи, одоби ёмон кишилардан узоқроқ юришни маслаҳат беради. Шоир бундай доно фикрларни ниҳоятда чиройли ва ҳақиқий тасвирий воситалар орқали баён этади:

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат
Кўмирга ҳар қанча айласанг иззат
Юзингга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқулининг содда, лекин ниҳоятда чуқур фалсафий мазмун билан йўғрилган дидактив шеърларида доноликни мадҳ этувчи, инсонларни ҳамиша донолар даврасидан баҳраманд бўлишга ундовчи насиҳатлари ҳам анчагина. Шоир донишмандлик ва ақллиликни инсоннинг энг гўзал ахлоқий сифатиларидан бири деб ҳисоблайди:

Доно бўлсанг, яхшиларга ҳамдам бўл,
Аҳмоқ ўзин нодон билан ёр айлар.

Махтумқулининг бутун маърифати, исломий муҳаббати, ишқи, шавқи, қайғуси шеърларида акс этади. Шеърият шоир қалбининг кўзгусидир.

Махтумқули шеърияти бани башарга қилинган оташин ва маърифий хитоблардан иборат.

Махтумқули шеърияти Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар маъноларининг шеърий шарҳидан иборат.

Махтумқули шеъриятининг бош йўналиши: иймон-эътиқод, ўлим ва ҳаёт, қийматнинг ҳақлиги, дунёнинг фонийлиги ва

охиратнинг боқийлиги, огоҳлик билан охиратга ҳозирлик кўрмоқ зарурияти каби эзгу ғоялардир.

Махтумқули, сен дам-бадам
Охират сари ур қадам.
Яхши-ёмон – барча одам
Ажалнинг гирифторидир.

Махтумқули шеърияти эзгуликка даъватдир. Фоний дунёга алданманг, дейди шоир.

Диний-тасаввуфий мавзудаги шеърлар Махтумқули ижодида етакчи ўрин тутади. Афсуски, шўро мафкураси шоирнинг исломий маърифат ва тасаввуф ҳақиқатлари уфуриб турган асарлари мутолаасидан бизни бебаҳра қилган эди. Шунинг учун унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима қилган таниқли шоир ва заҳматкаш мутаржим Мирзо Кенжабек ўз таржималарига ёзган сўз бошисида: “Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, соҳиби ҳикмат бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеъриятида пок исломий маърифат руҳи гуркираб, яшнаб туради”,-деган фикрни билдиради.

Маълумотларга кўра, Махтумқули ёшлигидан саёҳатларда юриб, Каспий бўйидан то Амударёгача кезган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган, Ҳиндистонда бир йилу уч ой турган, қайтиб Фарғона (Андижон, Марғилон)ни кўрган, Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга – Хивадаги Шерғози мадрасасига келиб ўқиган, сўнг яна ўз элига – Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган.

Шундан сўнг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шарқий қисми, Ироқни айланиб келган.

Махтумқулининг Астраханда ўлганлиги у ерда руслар ҳаёти билан танишганлиги бўлса ажаб эмас. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денгизи бўйларида – ё Уммон тупроғида (Арабистон ярим ороли билан Ироқ ўртасида), ё ҳозирги Покистон ерларида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, бунга унинг шеърларида ҳам шамаъ бор. Шоир Ўрта

Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига кириб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга, оғзаки адабиётини ўрганди.

Шоирнинг қачон вафот этгани тўла аниқланмаган. Тахминларга кўра, у XVIII асрнинг 80-йиллари охири 90-йилларнинг бошларида вафот этган. Унинг қабри туғилган юрти – Атрек (Атрок) билан Сангитоғ орасидадир. Шоир отаси Озодий ёнига дафн этилган.

Таниқли шарқшунос олим Е.Бертельснинг ёзишича, Махтумқули адабий меросининг умумий миқдори тахминан 16-18 минг мисрага етади. А.Бобоев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумот беради. Ўзбек олимаси С.Шукруллаева эса собиқ Қўлёзмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фонди)даги 1997-рақамли қўлёзмада шоирнинг 900 дан ортиқ шеъру ғазаллари мавжудлиги тўғрисида хабар берган.

Махтумқули шеърларини жаҳоннинг турли мамлакатларида севиб мутолаа қиладилар, ўрганадилар. Унинг ижод намуналари Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, Сурия, Туркия, Россия ва бошқа Ғарб давлатлари халқлари учун ғоят ардоқли саналади ва асарлари сўнгги 165 йил мобайнида тўхтовсиз нашр этилмоқда. Илк бор улар Ҳиндистонда чоп этилган. Кейинчалик 1842 йилда (Англияда) Лондон музейи томонидан, 1862 йилда Қозон ва Петербургда, 1879 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилинган.

1907 йилда Тошент шаҳрида шарқшунос Н.П.Остроумов нашрга тайёрлаган Махтумқулининг кичик шеърий тўплами араб тилида босилиб чиқди.

Туркман адабиёти, шунингдек, унинг асосчисининг ижодини ўрганиш ишида академик А.Н.Самойлович жуда кўп меҳнат қилди. У Махтумқулининг 197 лирик асарини ичига олган “Махтумқули қўшиқларининг кўрсаткичи”ни тузиб чиқди.

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халқимиз

орасида асрлар давомида машҳур бўлган. Асарларининг қўлёзмалари кенг тарқалиб, “тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча ўнлаб асарлари Тошкентда чиқадиган “Туркистон вилоятининг газети”да эълон қилинган. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида Махтумқули шеърларини ўз ичига олган 5 та қўлёзма сақланади.

Махтумқули шеърлари Жуманиёз Шарипов (1958, 1960, 1963, 1976), Музаффар Аҳмедов (1995), Мирзо Кенжабек (2004), Эргаш Очилов (2007) таржималарида ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарсликларга киритилган.

Туркман адабиётшунослигида Махтумқули ижодиётининг турли қирраларини ёритадиган ўнлаб илмий асарлар яратилди. Туркман адабиётшунослигида махтумқулишунослик мактаби вужудга келган. Кейинги йилларда нашр этилган Б.О.Қорриевнинг “Махтумқули”, Г.О.Чориевнинг “Махтумқули донишманд”, М.Кўсаевнинг “Махтумқули”, С.О.Қорриевнинг “Махтумқули ва адабиётда реалистик тенденция”, С.Қорриевнинг “Навоий ва Махтумқули”, “Махтумқули ва Ислом шоир”, “Махтумқули шеърлари асосида яратилган ўзбек қўшиқлари”, С.Муродовнинг “Асрлар қаъридан” каби катта ҳажмли монографиялар Махтумқули ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бадиий адабиётда эса шоирнинг ўлмас образи майдонга келди. Жумладан Б.Кербобоевнинг “Махтумқули” драмасидир.

Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида ҳам илмий ва бадиий асарлар яратилди. Қ.Қурамбоевнинг “Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда” рисоласи, Р.Иноғомовнинг “Навоий ва Махтумқули”, “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” каби илмий тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Ҳ.Абдуллаев “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзган.

Ўзбек шоирлари Махтумқулининг жаҳон адабиёти хазинасига дурдона бўлиб қўшилган асарларини улуғловчи шеърлар яратдилар ва яратмоқдалар. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир туркман халқининг ҳаётига оид, Махтумқулига

бағишлаб кўплаб шеърлар ёзди. Жумладан, “Махтумқули тўйида ўзбек кўзаси”, “Барҳаётлик” каби шеърларини, Мақсуд Шайхзода “Махтумқулига” шеърини яратган.

Махтумқулининг 29 номдаги шеърлари Комилжон Отаниёзов томонидан қўшиқ қилиб куйланган. Уларнинг айримлари грампластинкаларга, магнит тасмаларига ва телефильм тасмаларига ёзиб олинган. Шоирнинг “Бўйларингга”, “Намасан”, “Юргинг келади”, “Айлар”, “Айрилдим”, “Бўлмас”, “Тўхтамас”, “Қарамас”, “Этмасин”, “Кўзим тушди”, “Ошиқ бўлмишам”, “Устозингдан айрилма”, “Кўринг” сингари қўшиқлари халқимизнинг севимли санъакторлари томонидан ижро этилган ва ижро этилмоқда.

Махтумқули ҳақида “Махтумқули” кинофильми, спектакли яратилган.

Махтумқулига Хивада ҳайкал ўрнатилган. Бу буюк шоирга бўлган эҳтиромнинг рамзигина эмас, балки икки қардош ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлиги рамзи ҳамдир. Шунингдек, кўчаларга, маҳаллаларга шоир номи берилган.

Туркманистонда 19 май Махтумқули шеърияти байрами деб эълон қилинган. Махтумқули номидаги Туркманистон давлат университети ҳам бор.

Мутафаккир шоир, файласуф-саёҳатчи Махтумқули дунёдаги бутун бир халқларнинг эътибори ва муҳаббатини қозона олди. У инсониятнинг, биринчи галда эса Марказий Осиёдаги икки қардош миллат – ўзбек ва туркманнинг маданий ва маънавий бойлиги саналади.

Махтумқули ҳикматлари

Олимга ёндошсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндошсанг, кўрдек бўларсан.

* * *

Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
Одам борки, еган нонига етмас.

* * *

Мард йигитнинг ор – қиличи.

* * *

Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

* * *

Яхшини олам орзулар.

* * *

Йигит қарир ёмон аёл учраса.

* * *

Доно сўзга кулар нодон,
Сўз маъносини билмагунча.

* * *

Нодон ўғил отасига қарамас

* * *

Аҳмоқ ўзин доно дер,
Тентак ўзин соғ санар.

* * *

Ақллилар кўпдир, ақл ишлатган оз.

* * *

Ким йўқотса ақл билан ҳушини,
Қилар ишни билмас шармисор бўлур.

Махтумқули Хоразм ривоятларида

Махтумқулига бағишланган Хоразм халқ ривоятларини мавзу жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Хивадаги ҳаёти ва ижодига оид ривоятлар (“Хива йўлида”, “Айтишув”, “Махтумқули ва Нури Козим”, “Муносиб шогирдлар”, “Ўкинч” каби).

2. Айрим асарларининг ёзилиш тарихига оид ривоятлар (“Қайғули хабар”, “Хива кўчасида”, “Сўфиларнинг ёмон нияти”, “Махтумқули Хива хони ҳузурида”, “Хивадан қайтиш” каби).

“Айтишув” ривояти

Ҳикоя қилинишича, Махтумқули Хивада ўқиган пайтда шаҳарда кўплаб шоирлар тўпланиб, тез-тез мунозара қилиб туришар ва уни одатда мушоира билан якунлашар эканлар. Бир куни хивалик шоирлар Махтумқулидан хабар топиб, уни ҳам шеър даврасига ҳурматли меҳмон сифатида таклиф этишибди. Анъанага кўра ҳар бир шоир ўзи битган янги шеърини ўқибди. Ниҳоят навбат Махтумқулига келибди. Дўстлар шеърларини тинглаб хурсанд бўлган Махтумқули ўзини мезбонлар томонидан азиз меҳмон сифатида кутиб олишгани учун миннатдорчилик билдириб қуйидаги тўртликни ўқибди:

Махтумқули, ўгит бергил сўз билан,
Эшитган тенг бўлмас кўрган кўз билан.
Мард чиқар меҳмонга кулар юз билан,
Номард қочиб қолар меҳмон йўлиқса.

Даврадагилар шоир сўзларига қойил қолишибди. Ушбу тўртликни меҳмоннинг мезбонга ҳурмати ифодаси сифатида қабул қилиб, Махтумқулини мушоиранинг ғолиби деб эълон қилишибди. Махтумқули эса янги дўстлар орттирганидан хурсанд бўлибди, даврадагиларни мадрасадаги ҳужрасига таклиф қилиб, уларни хоразмча палов билан меҳмон қилибди.

“Хива кўчасида” ривояти

Маълумки, Махтумқули Хива хони ва амалдорларининг халққа кўрсатган зулмини, адолатсизлигини ўз кўзи билан кўрган. Меҳнаткашларни қайғурган шоир золимларга нафратини ифодалаб шеърлар ёзган. Шундай шеърлардан бири “Бўларсан” деб аталиб, унинг яратилиши ушбу ривоят учун асос қилиб олинган. Ривоят мазмуни Хива хонлиги муҳитида

характерли ва типик бўлган воқеани акс эттиради: “Махтумқули Хива кўчаларидан ўтиб борар экан. Шу пайтда хон ясовуллари бир неча асирларнинг қўлларини орқасига боғлаб, қамчи билан савалаб бораётганига кўзи тушибди. Махтумқули таёқ зўридан беҳол бораётган асирларга раҳми келиб, қалбдан ачинибди. Лекин уларни очиқдан-очиқ ҳимоя қилишнинг иложини тополмаган шоир асирларга термулиб, қуйидаги тўртликни тўқибди:

Қиймасликдан бир сўз дедим баёқда,
Акс зарб бир бевақт урилган таёқда,
Золимлар хор бўлар, қолар оёқдан,
Ғариб, сен йиғлама, шердек бўларсан.

Бу ривоятда Махтумқули характеридаги халқчиллик, адолатсизликка қарши кескин норозилик каби фазилатлар ёрқин ифодаланган. Шоир бизнинг кўз олдимизда “золимларнинг хор бўлишига”, ғарибларнинг эса зулм кишанларини парчалаб ташлашларига ишонган оптимист сифатида гавдаланади.

Президент Ислом Каримов
Махтумқули ҳақида

Бу кўҳна заминда не-не буюк инсонлар, не-не алломаю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

Оламга донғи кетган ва ўз юртида юлдуз каби чақнаб, тарихда ёрқин из қолдирган шу буюк зотлар қаторида туркман халқи улуғ шоири Махтумқули Фироғий алоҳида ўрин эгаллайди.

* * *

Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман ҳалқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

* * *

Дунёдаги элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳамкору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Ўзбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламини,

орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришда, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса беқиёс ва унутмасдир.

* * *

Унинг теран донолик билан йўғрилган биргина ҳикматли байти бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлардан кўра минг марта афзалдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

* * *

Махтумқули одамларни ҳамиша иймон-эътиқодли бўлишга, ҳаётда ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдиришга даъват этади:

Саҳар тур, Худога ёлвор,
Ислом уйинг обод қолсин
Ёмонни қўй, яхшилик қил,
Шайтон иши барбод қолсин.
Яхши сўзга қулоқ солгин.
Саҳар вақти бедор бўлгин,
Яхшилардан олқиш олгин,
Умринг ортсин, зиёд қолсин.

* * *

Махтумқули – улуғ шоир, улуғ мутафаккир. Шу боис у маърифатпарвар инсониятнинг бу қадар юксак эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Шу боис унинг ижоди ҳамон юрагимизга яқин, ҳароратли сатрлари ҳамон ёниб туради.

* * *

Одам баъзан оғир кунларда руҳан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб қолади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниқтирмоқ учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта таскин топади ва мадад олади.

* * *

Бизнинг ўзбек ҳофизларимиз, мумтоз ижодкорларимизнинг санъати Махтумқули шеърияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг истеъдодли фарзанди булбулнафас ҳофизимиз Комилжон

Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шуҳрат топишида Махтумқули ғазалларининг катта ҳиссаси бор.

* * *

Ўзбекистон ва Туркманистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Махтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришда, миллий мафкурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

* * *

Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгитдан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

* * *

Махтумқулининг Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Махтумқули ҳақида хотиралар

Махтумқули девонида жуда чиройли бир мурабба бор. Ҳар тўртинчи сатр “Ҳей” деган радиф билан тугаб, шеърга романтик парвоз, саҳройи кенглик ва полвонларга хос наъра колоритини бағишлайди. Мен ҳам “Махтумқули”га шеъримни шу строфик тарзда ёздим ва Махтумқулига ҳурмат юзасидан унинг шеъридан эпиграф тариқасида икки тўртлик олдим...

Мақсуд Шайхзода

Махтумқули поэзияси – кишилик маданиятининг қимматбаҳо гавҳарларидан бири бўлиб, бизнинг кунларимизда у ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топди.

Е.Э.Бертельс

Махтумқули шеърлари соф турк тилининг намунаси бўлганлиги билан, унинг ижодида Шарқ халқлари шеъриятида кам бўлган йилқичилик, қурол-аслаҳа, омма ҳақидаги шеърлар учраши билан биз учун қизиқарлидир. Бахшиларнинг тантана ёки оддий кечаларда Махтумқули қўшиқларини ижро этган дақиқалари менда ғоят кучли ва ажойиб таассурот бахш этди.

А.Вамбери

Ўзбек классиклари туркман халқи қалбига азалдан қандай сингиб кетган бўлса, Махтумқули ҳам ўзбек халқи қалбига шундай сингиб кетган улкан шоирдир. Унинг қатор-қатор ажойиб, ахлоқий-таълимий, насиҳатомуз лирик шеърлари ўзбек хушхон ва шинавандаларининг энг севимли қўшиқлари бўлиб келади.

Собир Абдулла

Дерларки: “сув ичар кўнгил-кўнгилдан”,
Куйлай Мулланафас, Махтумқулидан,
Тутай гулдасталар боғим гулидан,
Қабул эт, бу олқиш Комил дилидан.

К.Отаниёзов

Махтумқулининг асарлари Ўзбекистонда бир неча марта нашр қилинган. Унинг шеърлари қўшиқ бўлиб янграмоқда. Махтумқулидан мен куйлаган қўшиқлар сизга маъқул бўлдими?

Жавоб ўрнига ҳамма қарсак чалди. Кейин Комилжон сўзида яна давом этди.

- Махтумқули Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиган. Йиллар юки босиб, мадраса тупроқ қаърида қолиб кетганди. Давлатимиз мадади билан у тупроқ остидан бош кўтариб, қаддини ростлади, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Нуруллабойдаги ҳозир музейга айлантирилган хон

саройининг деворларига Махтумқули хотирасига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди, унда шоирнинг Хивадаги ўқиган ва яшаган вақти мармарга ўйиб ёзилган. Демак, Хоразмни шоирнинг иккинчи юрти, десангиз ҳам бўлади.

К.Отаниёзов

Махтумқули умумбашарият маданиятининг улкан оқимига қўшилиб туркман адабиётини жаҳон адабиёти чўққисига кўтарди.

Б.Қорриев

Ўзигача яшаб ижод этган устозлари Низомий, Навоий, Фузулий ва Озодийнинг шеърият мактабидан сабоқ олган Махтумқули ҳаётдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришида устозлари изидан борди, уларга эргашди. Ўз халқининг турмушидаги жиддий, ҳаётий масалаларни кўтариб чиқишда, адабиётни камбағаллар манфаатига хизмат қилдиришда эса устозларидан анча илгарилаб кетди.

С.Муродов

Махтумқули бутун онгли умри ва ижодий фаолиятининг маъносини шеъриятга, шеъриятда халқ ва Ватанга хизмат қилишда кўрди. У ўзининг охирги нафасига қадар қуйидаги онтига содиқ қолди, шу билан фахрланди, шу билан яшади, шу билан илҳомланди.

В.Зоҳидов

Узоқ асрлардан бери туркманлар ўртасида машҳур бўлган Навоий буюк туркман донишманди Махтумқулининг устозларидан биридир.

С.Қорриев

Махтумқулининг шеърлари халқни хаёл отига миндириб, унга қаҳрамонлик қиличини ушлатган шеърлардир. Туркман адабиётининг классиги Махтумқули туркман халқининг тақдири, унинг зулмдан озод бўлиши ва бирлашуви учун кеча-

кундуз тинмай фикр қилди. Амирлар, шоҳлар, беклар, хонлар, эшонлар ва пирларга қарши заҳарлар сочди. Туркман халқининг дардларига малҳам бўлди.

Б.Кербобоев

Тахминан 24 ёшларимда Бухоро областининг Қоракўл районида тоғамникига борганимда туркман халқ шоири Отаниёз билан танишдим. Мен у билан бир неча вақт бирга бўлдим. У мени жуда севиб қолди. Отаниёз мени Қоракўлдан Чоржўйга олиб борди. Унинг билан бир ойчалик саёҳатларим давомида мен туркман халқининг турмушини, урф-одатларини ўргандим, уларнинг орасида ҳам халқ достонларини айтдим. Чоржўйда ва унинг яқинидаги қишлоқларда бир йилдан кўпроқ вақт бўлдим. Мен Отаниёздан Махтумқулининг бир неча қўшиқларини ўргандим.

Ислом шоир

Махтумқули шеърлари кишига завқ-шавқ, ором беради, дилларга дармон бўлади. Дилимизда, тилимизда, Махтумқули, у биз билан доимо бирга! Ўзбекнинг етти ёшидан етмиш ёшига қадар туркман халқининг булбулгўёси Махтумқулини севади, унинг шайдоси. Унинг шеърларини бирор маротаба ўқиган киши қайта-қайта ўқигиси келади. Навоий, Муқимий, Фурқат, Авазларни севганимиз каби Махтумқулини ҳам ўз шоиримиздай севиб ардоқлаймиз. Унинг сеҳргар, оҳанграбо шеърлари бир олам, уларда коинот ўз аксини топган. Амударё каби жўшқин, Қорақум саҳроси каби бепоён, улардаги ҳарорат кишига жон бағишлайди, дилларни-дилларга пайванд этади.

Ж.Шарипов

Махтумқули кубравия тариқати шайхлари билан ҳам, ҳожагон – нақшбандия силсиласи пирлари билан ҳам яқин алоқада эди. Отаси Давлатмамад ҳам тасаввуф аҳлини дўст тутган.

Г.Карпов

Туркман адабиёти тарихи тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Махтумқули ўз даврида эл ва юрт қадр-қимматини оёқ ости қилиб келаётган иллатларни ҳаммадан кўра кўпроқ англаб етди. Шоир асарларида замондошларини даврда рўй бериб турган воқеаларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиб иш тутишга чақирди.

С.Эркинов

Махтумқули Фироғий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадиган, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушунадиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳатто узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини “Махтумча” дер экан.

Ҳ.Хасанов

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Махтумқули шеърларини ўз ичига олган 5 та қўлёзма сақланади.

С.И.Шукруллаева

Мен Махтумқули шеърлари билан қўшиқлар айтиб бердим. Тугатган эдимки, шу пайтгача инграб, гапирмай ўтирган устоз баралла баланд овозда: “Махтумқулининг сўзларини нега бузиб айтасан, қаердан олгансан шеърни”, – дедилар. Мен китобни айтдим. У киши жаҳл билан кўп китобларда сўзлар ноаниқ босилиб кетганини айтдилар ва сўз ёдлашда нуқта-вергулигача эътибор қилиб, маъносини тўла чақиб, кейин музикага солишни таъкидладилар. Умуман, устоз ижрони асосан маъқуллаб, менга қарата шундай деганлари ҳамон ёдимда.

О.Отажонов

Ўзбек халқи бир қанотим бўлса, туркман халқи иккинчи қанотимдир. Бугун севимли халқим – туркман халқига меҳмон

бўлиб келган эканмиз, уларга фақат битта қўшиқ айтибгина ўз қарзимни уза олмайман. Чунки менга туркман халқи тарбиялаб вояга етказган Давлатмамад Озодий, Залилий, Махтумқули, Мулланафас, Камина каби шоирлар шеърияти руҳ ва оҳанг берган.

Г.Матёқубова хотирасидан

Мен у кишининг ана шу пайтгача ва ундан кейин ҳам турли вазиятларда, ҳар хил давраларда соатлаб куйлаганларининг гувоҳи бўлдим. Лекин ўша туз конидаги тасодифан йиғилган туркман мухлислари даврасида бир ярим соатдан зиёдроқ Махтумқули ва Машраб девонларидан ўқиб, хоксор бўлиб қаландарона куйлаганларини, ўзлари ҳам сел бўлиб ўтирганларни ҳам сел қилиб, охирида оқ фотиҳа олиб хайрлашганларини ҳали-ҳануз унутолмайман, қайта-қайта ўша манзара кўз олдимда жонланаверади.

А.Сафоев

Комилжон ака кўплаб достон-қўшиқларга янги куйлар басталади. Махтумқули, Камина, Залилий, Мулланафас каби қардош туркман халқининг шоирлари яратган ғазалларини мароқ билан ижро этди.

М.Юсупов

“Махтумқули ижодий фаолияти ва у ҳақидаги манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан мақсад туркман халқ шоири Махтумқулининг ижодини ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари бакалавр ва магистрлари,

шунингдек, филология ва журналистика факультети талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Махтумқули ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Шоир ва мутафаккир Махтумқули қачон таваллуд топган?

(Улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йили Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан овулида таваллуд топган).

2. Махтумқули неча ёшида шеър ёзишни машқ қила бошлаган?

(Махтумқули 9 ёшида шеър ёзишни машқ қила бошлаган).

3. Ушбу келтирилган парча шоирнинг қайси шеъридан олинган ва уни таҳлил қилиб беринг?

У марднинг ўғлидир, марддир падари,
Гўрўғли қардоши, сархушдир сари.
Тоғда, тузда қувса сайёдлар, пири
Ола билмас, йўлбарс ўғли туркманнинг.

(Юқорида келтирилган парча Махтумқулининг “Туркманнинг” шеъридан олинган бўлиб туркман тилидан Музаффар Аҳмад таржимаси. Мардлик ва жасурлик туркман миллатининг хос сифатларидан бири. Бу мисралар туркман йигитларининг мардонавор қиёфасини яққол гавдалантиради).

4. Ушбу келтирилган парча Махтумқулининг қайси шеъридан олинган?

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган
Кишилардан ўтлаб юрган мол яхши.
Сўзлаганда сўз маъносин билмаган
Инсонлардан сўзлаёлмас лол яхши.

Худойим сақласин шаррдан, қаҳрдан,
Миннатли ош аччиқ бўлар заҳардан,
Ҳар бир ерда бир бозорсиз шаҳардан,
Аслида бир қуриб ётган чўл яхши.

(Махтумқулининг “Эл яхши” шеъридан олинган, туркман тилидан Жуманиёз Шарипов таржима қилган).

5. Қуйида келтирилган парча Махтумқулининг қайси шеъридан олинган ва шеърни давом эттиринг:

Жон кўтариб бориб, етдим бир бобдан,
Хирқа кийиб, эл ичинда сон бўлсам.
Тун ичида бориб, Байтуллоҳ топдим,
Зор йиғлаган соҳиблара қон бўлсам.

(Юқорида келтирилган парча Махтумқулининг “Дармон бўлсам” шеъридан олинган. Эргаш Очилов таржимаси. Шеърнинг давоми:

Абусаид, Умар Хайём, Ҳамадоний,
Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз парвоний,
Жалолиддин Румий, “Жомеъ ул-маъоний”,
Уларнинг ёнида мен ҳам сон бўлсам.

Домғонда юрган устод Навоий,
“Чор девон”и, “Фарҳод-Ширин” зебойи,
Заҳиридиин Бобур, “Мезон ул-авзон”и
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам).

6. Қуйида келтирилган парча қайси шоирнинг шеъридан олинган?

Махтумқулини ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуқсон борми, беклар, анда,
Сўзин дилда сақлар эдим.

(Қорақалпоқ халқининг машҳур шоири Бердақнинг “Излаш” шеъридан олинган).

7. Ушбу келтирилган парча қайси муаллифнинг шеъридан олинган?

Орамизда гар бўлмаса аҳиллик,
Эзгуликдан устун турса бахиллик,
Яхшиликни босиб кетса жоҳиллик,
Ҳаром унар, ҳалол ёнар, ҳақ ёнар.

(Юқорида келтирилган парча Усмон Давлатнинг “Ёнар” шеъридан олинган. Ушбу шеър Махтумқули йўлида ёзилган).

8. Қуйидаги келтирилган парча қайси шоирнинг қаламига мансуб?

Махтумқули шеърининг шарбатидан ичиб қондим,
Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилимдан ёндим,
Юз элнинг шоиридай мен ҳам дилда қувондим,
Юз элнинг шоиридай –
Шеърнинг ўчмас кучига мен ҳам дилдан инондим.

(Миртемирнинг “Барҳаётлик” шеъридан олинган).

9. Мақсуд Шайхзода Махтумқулининг қайси шеърини таржима қилган ва шеърдан парча келтиринг?

(Мақсуд Шайхзода Махтумқулининг “Мажнун каби” деб номланган шеърини таржима қилган. Шеърдан парча:

Мажнун каби ишқ куйида ўртанурман шу замон,
Шояд ўлсам, мазах қилиб, менда кулар кўр шайтон.
Чарх-фалак назарида фил ҳам пашша баробар,
Эрмак дея пашшага ҳам берма озор эй инсон).

10. Ўзбек шоиридан кимлар Махтумқули ижодидан таъсирланганларини эътироф қилганлар?

(Махтумқули сиймоси ва асарлари ўзбек шоирлари учун маҳорат мактаби, ибрат намунаси сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Шунинг учун кўпгина санъаткорлар улуғ шоирнинг асарларини қунт билан ўрганадилар. Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулла, Асқад Мухтор Махтумқули ижодидан таъсирланганликларини эътироф этганлар).

11. Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида шоирнинг қайси номдаги девонлари сақланмоқда?

(Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида шоирнинг “Девони Махтумқули”, “Ғазалиёти Махтумқули”, “Маснавиёти Махтумқули”, “Ашъори Махтумқули” номларидаги девонлари сақланмоқда).

12. Махтумқулига бағишлаб кўп ривоятлар, афсоналар тўқилган шундан қайсиларини биласиз?

(Махтумқули ҳақидаги “Хива йўлида”, “Махтумқули ва Нури Қозим”, “Муносиб шогирдлар”, “Ўкинч”, “Сўфиларнинг ёмон нияти” сингари ривоятларда шоирнинг донолиги, ўз

рақиби устида ҳар қандай қийин шароитда ҳам ғолиб қила олиш қобилияти баён этилади).

13. Махтумқули ижодиётининг турли қирралари ёритилган илмий асарларни биласизми?

(Туркман адабиётшунослигида Махтумқули ижодиёти ҳақида ўнлаб илмий асарлар яратилган. Б.О.Қорриевнинг “Махтумқули”, Г.О.Қориевнинг “Махтумқули донишманд”, М.Кўсаевнинг “Махтумқули”, С.О.Қорриевнинг “Махтумқули ва адабиётда реалистик тенденция”, С.Муродовнинг “Асрлар қаъридан” каби монографиялар яратилган).

14. Ушбу келтирилган парча шоирнинг қайси шеъридан олинган?

Яхшиликда элга ўзин танитган,
Олқиш олиб даражаси зўр бўлар.
Ёмон бўлиб, яхшиликни унутган,
Иззатин йўқотар, итдан хор бўлар.

Мунгли бўлар муродига етмаган,
Залил бўлар Ҳақ амрини тутмаган,
Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,
Кўзин тикар кас ошига, зор бўлар.

(Махтумқулининг “Сендан сўнггиларга ёдгор бўлар!” шеъридан олинган. Мирзо Кенжабек таржимаси).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида 2007 йилда чоп этилган Махтумқулининг “Дунё ўтиб борадир” шеърлар тўпламини, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Шеърхонлик беллашувининг мақсади Махтумқулининг шеърларига китобхонлар қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин китобхонлардан беш кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж

ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаври ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладган шартларни тузиб чиқадилар. Сўнгра қуръа ташлаш йўли билан қатнашувчиларни рақамлари белгиланади. Ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган шеърининг номини ва қайси таржимон томонидан таржима қилинганлигини билиши шарт.

Шеърхонлик беллашуви ўтказиладиган жойда Махтумқули ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Шунингдек, санъаткорлар томонидан Махтумқули қўшиқларининг видеотасмаларини ёки видеофильмлардаги қўшиқларини намойиш этиш мумкин.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: “Кўринг” шеъри Жуманиёз Шарипов таржимаси.

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
Биров билан ошна бўлай десангиз,
Аввал ўз сўзида туришин кўринг.

Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,
Мардлик қиличини солар бўлсангиз,
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,
Сийнасин, сағрисин керишин кўринг.

(Шеър қисқартирилиб берилди).

2-рақамдаги қатнашувчи: “Ҳижрон” шеъри Жуманиёз Жабборов таржимаси.

Саҳар туриб, қон ёш тўксам кўзимдан,
Мени бир висола етурмас ҳижрон.
Оғиз ичра маъно сочсам сўзимдан,
Муродим ёнима кетурмас ҳижрон.

Тонгдан туриб, Ватан, сени чоғларман,
Гулшанли сарчаман дея йиғларман,
Хўшлашиб, бу мискин жонни тиғларман,

Мақсуд – тилагимни битурмас ҳижрон.

Фироғий, Ватан деб қон тўкар кўзим,
Боқий қараб турар ҳижрона юзим,
Биродарлар, қайда қолдим бир ўзим?
Мени бу дунёдан ўчирмас ҳижрон.

3-рақамдаги қатнашувчи: “Севсам қаначалар” шеъри Музаффар Аҳмад таржимаси.

Ишқинг ўти авж олади, ёнади,
Ҳеч сўнмайди, ёрим, севсам қанчалар.
Қайта бошдан дард кучига минади,
Ҳеч кетмас, эшикдан қувсам қанчалар.

Бадфеъл касда ақл бўлмас, дард бўлмас,
Минг тулки йиғилиб, битта қурт бўлмас,
Номард киши то ўлгунча мард бўлмас,
Мақтаб таърифини чўзсанг қанчалар.

(Шеър қисқартирилиб берилди).

4-рақамдаги қатнашувчи: “Адолат яхши” шеъри Мирзо Кенжабек таржимаси.

Асло одамзотга аччиқ сўз қилманг,
Фақиру мискинга далолат яхши.
Бахилга учраманг – кулар юз бўлманг,
Ишни битирмоққа кифоят яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бўлгил,
Қўлдан келса, унга таом-туз бергил,
Ғамгинни кўрганда ширин сўз бергил,
Чорасиз қулларга ҳимоят яхши.

(Шеър қисқартирилиб берилди).

5-рақамдаги қатнашувчи: “Керакдир” шеъри Эргаш Очилов таржимаси.

Манман деган мард йигитга
Бир муносиб ёр керакдир.
Арабий арғумоқ билан
Олмос зулфиқор керакдир.

Йигит ўлар юрт устинда,
Жонин берар ор устинда,
Мард йигитлар эл устинда,
Номус билан ор керакдир.

(Шеър қисқартирилиб берилди).

Беллашувда ҳакамлар ҳайъати томонидан ихтиёрий битта шарт қўйилиши мумкин. Бунда шеър ёки ғазалнинг номини ёки ундан парча ўқиб берилиши сўралиш мумкин.

Булардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчига:

Қуйидаги мисралар Махтумқулининг қайси шеъридан олинган ва давом эттиринг.

Маърифат бўстонида ошиқларинг кўп ғул-ғули,
Кўрдим анда, ҳар бириси, ёр, жамолинг булбули,
Дилбар-о, орзу қиларман ул жамолинг кўргали,
Даргоҳингда сўз демоққа йўқдир доғи рўюм менинг.

(Махтумқулининг “Ёр, жамолинг кўргали” шеъридан олинган, Музаффар Аҳмад таржимаси. Давоми:

Йўқ эрур оламда бир ёр илми ҳол бирдиргали,
Жаҳд этиб, чўл юрдириб, дастин тутиб қолдиргали,
Ул жононнинг ошиғи кунда нафас куйдиргали,
Бормасам ҳеч бир боша, тўғри эмас роҳим менинг …).

2-рақамдаги қатнашувчига: Ушбу келтирилган парча Махтумқулининг қайси шеъридан олинган ва шеърни давом эттиринг.

Эй, ёронлар, бир беҳунар йигитнинг,
Минг ёмон сўз айтсанг, жонига тегмас.
Зинҳор тушманг номардларнинг қўлига,
Ўлдирсанг-да, ноҳақ қонига тегмас.

(Махтумқулининг “Жонига тегмас” шеъридан олинган, туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси. Давоми:

Сўз билмасанг, билган сўзинг айтмасанг,
Сўз сўрасанг, маъносига етмасанг,
Ёй тортганда, тикка қараб отмасанг,
Ул ўқинг нишоннинг ёнига тегмас…).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин. Шунингдек ҳомий ташкилотлар билан ўзаро алоқа ўрнатиб, улар билан ҳамкорликда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мумкин.

“Забардаст лирик шоир ва мутафаккир Махтумқули” мавзуида китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Махтумқули ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

Махтумқули – туркий халқларнинг сайроқи тили, саҳронинг гули, гулнинг булбули, Ҳақнинг содиқ, ошиқ ва ориф қулидир.

Мирзо Кенжабек

Бу бўлимга Махтумқули ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ўзбек, туркман, рус ва бошқа тиллардаги нашрлар қўйилади.

2. Махтумқули – ишқ-муҳаббат куйчиси

Махтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзусидаги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафий моҳияти билан ажралиб туради. Шоирнинг ҳаёт ва ўлим, инсон ва борлиқ, гўзал

инсоний фазилатлари ва одоб-ахлоққа оид шеърлари ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлари таъсири яққол сезилади.

Б.Каримов

Бу бўлимга Махтумқулининг сайланмалари, шеърлари, шеърий тўпламлари, ғазаллари ҳамда вақтли матбуотларда чоп этилган манбалар намойиш этилади.

3. Махтумқули – валий шоир

Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, соҳиби ҳикмат бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеъриятида пок исломий маърифат руҳи гуркираб яшнаб туради.

Мирзо Кенжабек

Бу бўлимда Махтумқулининг иймон, ҳақ, Аллоҳ, каъба, ҳаж, фоний дунё, Ҳазрати Юсуф, Муҳаммад уммати каби мавзулардаги шеърлари намойиш этилади.

4. Махтумқули ўзбек адабиётида

Таърифларинг кетди етти иқлимга,
Қўшиқларинг ғолиб келди ўлимга.
Кўнгил бериб ғазалингга, тилингга –
Қизлар сени тушда кўриб ухлар, ҳей!

Мақсуд Шайхзода

Бу бўлимда адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг Махтумқулига бағишлаб ёзган илмий мақолалари, қисса, бадиа, шеърлар, мухаммаслар ва бошқа асарлар қўйилади.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Илмий-амалий конференция

1. “Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда”.
2. “Навоий ва Махтумқули”.
3. “Махтумқули туркман адабиётининг фахри”.
4. “Махтумқули ҳаёти ва фаолиятига бир назар” каби мавзуларда;

“Шеърияти аср оша”, “Махтумқули Фироғий”, “Шоир ва мутафаккир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. “Махтумқулининг номи барҳаёт”.
2. “Туркман булбули”.
3. “Севимли шоир ва маърифатли сиймо” каби мавзуларда;

“Севимли шоир”, “Ишқ-муҳаббат куйчиси”, “Буюк сайёҳ” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Махтумқули Фироғий ҳаёти ва фаолиятига бир назар”.
2. “Махтумқули шеърлари ўзбек тилида”.
3. “Махтумқули асарларини биласизми?” каби мавзуларда;

“Халқ меҳрига мушарраф шоир”, “Ўзбек ва туркманнинг маданий ва маънавий бойлиги” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Махтумқули яратган шеърият бўстонини биласизми?”
2. “Навоий ва Махтумқули”.

3. “Ислом шоир ва Махтумқули” каби мавзуларда;

“Буюк сиймо”, “Халқнинг улуғ фарзанди”, “Халқимизнинг буюк шоири” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Алишер Навоийнинг Махтумқули ижодий фаолиятига таъсири”.
2. “Махтумқули асарларининг рус ва хорижий тилларга таржимаси”.
3. “Махтумқули ижодида панд-насиҳатларнинг қаламга олиниши” каби мавзуларда;

“Махтумқули ҳамиша барҳаёт”, “Машҳур донишманд адиб” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Махтумқули асарларида миллий ватанпарварлик ҳис-туйғусининг улуғланиши”.
2. “Махтумқули асарларида Ватан ва халқ мавзусининг қаламга олиниши”.
3. “Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаси”.
4. “Махтумқули шеърияти эзгуликка даъватдир” каби мавзуларда;

“Махтумқули шеърияти – нурли шеърият”, “Махтумқули – валий шоир”, “Туркман булбули” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Диспут ўйини

1. “Валий шоир фаолиятини биласизми?”
2. “Махтумқули қўшиқларини куйлар санъаткорлар”.
3. “Махтумқули асарларининг умрбоқийлиги” каби мавзуларда;

“Нурли ижод соҳиби”, “Улкан шоир”, “Махтумқули маърифат ҳомийси”, “Муҳаббат куйчиси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Махтумқули ижодида озодлик ва мустақиллик ғоясининг қаламга олиниши”.
2. “Махтумқули ижодида Ватан ва халқ мавзусининг улуғланиши”.
3. “Махтумқули ижодида инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларининг акс эттирилиши” каби мавзуларда;

“Тараққийпарвар сиймо”, “Улуғ туркман шоири”, “Махтумқулининг адабий мероси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Махтумқули панд-насиҳатлари”.
2. “Сўзи тирик – ўзи тирик”.
3. “Махтумқули асарлари барҳаёт” каби мавзуларда;

“Мангу барҳаёт”, “Эзгулик куйчиси”, “Моҳир шоир”, “Сўнмас садо” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Махтумқули шеърларини, панд-насиҳатларини ўзбек тилига таржима қилган ва нашрга тайёрлаганлар, шунингдек, илмий мақолалар ёзган, унинг ғазалларини қўшиқ қилиб куйлаган санъаткорлар билан:

а) Махтумқули шеърларининг таржимонлари билан

1. Мирзо Кенжабек
2. Музаффар Аҳмад
3. Эргаш Очилов
4. Жуманиёз Жабборов

б) У ҳақида илмий мақолалар ёзган олимлар билан

1. Эргаш Очилов
2. Суйима Ғаниева
3. Баҳодир Каримов
4. Ваҳоб Раҳмонов

в) Махтумқули шеър ва ғазалларини қўшиқ қилиб куйлаган санъаткорлар билан

1. Бобомурод Ҳамдамов
2. Ортиқ Отажонов
3. Аҳмаджон Шукуров
4. Оғабек Собиров
5. Каримбой Раҳмонов

Адабиётлар

Дўстлигимиз рамзи: Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули ҳайкали очилишида И.Каримовнинг сўзлаган нутқи, 1996 й. 28 нояб. //Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида: тарих маърифат маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б.293-294.

Қардошлигимиз ришталари мустаҳкам: Хива шаҳрида буюк шоир Махтумқули ҳайкалининг очилиши: Ўзбекистон Президенти И.Каримов нутқ сўзлади (Мухбирлар Муҳаммад Шариф, Рўзимбой Ҳасан) //Халқ сўзи.-1996.-29 нояб.

* * *

Махтумқули. Танланган асарлар /Ж.Шарипов тарж. Ред. Миртемир; Сўз боши Е.Э.Бертельс ва Г.О.Чориевники.-Т.: Ўзфанакаднашр, 1958.-446 б.

Махтумқули. Танланган асарлар /Ж.Шарипов тарж.-Т.: Ўзадабийнашр, 1960.-221 б.

Махтумқули. Танланган асарлар 2-нашри /Ж.Шарипов тарж. Сўз боши Е.Э.Бертельсники.-Т.: Ўзадабийнашр, 1963.-207 б.

Махтумқули. Шеъриятдан /Тузувчи Ш.Шомуҳамедов; Тарж. Ж.Шарипов.-Т.: Ўзбекистон КПМК нашриёти, 1976.-160 б.

Махтумқули. Сайланма: Янги таржималар /Туркман тилидан Музаффар Аҳмад тарж.: Муҳаррир Ф.Камолова.-Т.: Ёзувчи, 1995.-96 б.

Махтумқули. Сайланма /Туркман тилидан Мирзо Кенжабек тарж.: Масъул муҳаррир Сайфиддин Сайфуллоҳ.-Т.: Фан, 2004.-254 б.

Махтумқули. Дунё ўтиб борадир: Шеърлар /Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. Масъул муҳаррир В.Раҳмонов.-Т.: Шарқ, 2007.-238 б.- (Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари).

Махтумқули Фироғий. Дунёни кўрсам: [Шеър] //Қишлоқ ҳақиқати.-1980.-17 нояб.

Махтумқули. Жасад ичра ширин жонинг омонат; Бўла-бўла кетарсан; Келмасми?; Кетди ул жойга: [Шеърлар] /Музаффар Аҳмад тарж. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1993.-1 окт.

Махтумқули. Гўзал Шерғози: Ёрнинг яхшисин; Тош қолди: [Шеърлар] /Музаффар Аҳмад тарж. //Ўзбекистон овози.-1996.-26 нояб.

Махтумқули. Мард йигитлар баҳоси: Елдим де; Йироқ айла ўзингни; Ғариблик; Безор қилар жонингдан; Ҳижрон; Ели гугоннинг; Билинар; Юрмоқлик бўлди; Жони бўлмаса; Кетиб борадир: [Шеърлар] /Туркман тилидан Ж.Жабборов таржимаси //Жаҳон адабиёти.-2003.-№5-6.-Б.128-133.

Махтумқули. Улдир сенга ёр: Шеър // Марказий Осиё маданияти.-2005.- 6 март

Махтумқули //Буюк сиймолар, алломалар: Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар, донишмандлар ва адиблар К.3. /Мас. муҳ. М.Хайруллаев.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.-Б.54-57.

Махтумқули //Маънавият юлдузлари: Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар /Мас. муҳ. М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта нашр.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1989.-Б.310-313.

Махтумқули //Маънавият юлдузлари: Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар /Мас. муҳ. М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта нашр.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.-Б.310-313.

* * *

Қурамбоев К. Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда /Мас. муҳ. М.Қўшжонов.-Т.: Фан, 1984.-63 б.

Аҳмад Музаффар. Махтумқули даҳосининг қудрати //Ўзбекистон овози.-1996.-26 нояб.

Жумахўжа Нусратулла. Махтумқули – сўзлар тили туркманнинг: [Туркистон – умумий уйимиз] //Халқ сўзи.-1996.-29 нояб.

Икромов Ҳ. Ўзбегим туркман билан: [Дўстлигимиз абадий] //Ўзбекистон овози.-1996.-26 нояб.

Каримов Б. Махтумқули //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. Конимех-Мирзоқуш /Таҳрир ҳайъати: А.Алимов, Т.Толимов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.561-562.

Махтумқули ва ўзбек адабиёти //Иноғомов Р. Адабий қардошлик тароналари (Ўзбек-туркман адабий алоқалари очерки).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.-Б.54-57.

Махтумқули ва ўзбек адабиёти //Қурамбоев К. Ўзбек-туркман адабиёти алоқалари.-Т.: Фан, 1978.-Б.54-64.

Махтумқули тўйида ўзбек кўзаси: Барҳаётлик: [Шеърлар] //Миртемир. Шеърлар.-Т.: 1961.-Б.62-66.

Махтумқулига: [Шеър] //Шайхзода Мақсуд. Хиёбон. Шеърлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.-Б.79.

Навоий ва Махтумқули //Иноғомов Р. Адабий қардошлик тароналари (Ўзбек-туркман адабий алоқалари очерки).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.-Б.45-53.

Отаниёзов К. Мен ўзбекман, туркман – менинг дўғоним: [Шеър] //Зоҳидов Ф. Комилжон Отаниёзов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-Б.100-101.

Собиров А. “Махтумқули” Хивага ташриф буюради //Халқ сўзи.-1995.-19 сент.

Туркман шеъриятининг сардори //Зоҳидов В. Жаҳон бадияти зарварақлари.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-Б.152-173.

Усмон Давлат. Ёнар: [Шеър] (Махтумқули йўлида) //Андижон шоир ва ёзувчилар /Тўплаб нашрга тайёрловчилар: У.Шукуров, З.Муҳиддинов.-Т.: Андижон: Ҳаёт, 2004.-Б.234.

Чориев Ў. Буюк сайёҳ: [Махтумқули таваллудининг 270 йиллиги олдидан] //Марказий Осиё маданияти.-2003.-12 апр.

Қорриев Б. Махтумқули Фироғий //Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар /Таҳрир ҳайаъти Ҳ.С.Сулаймонов, Х.Р.Расулов, Ё.Т.Жўраев ва бошқ.-Т.3.-Т.: Фан, 1973.-Б.220-229.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 11 май
Бичими 60х84 $^{1}/_{16}$
Ҳажми 2.5 б. т. Нусхаси 300
Буюртма № 52

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33.